


**ЕР МОНИТОРИНГИНИ ЎТКАЗИШ АСОСЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИНИ  
ЁРИТИШ УСЛУБЛАРИ.**

**Сайдов Феруз Ҳамроқулович.**

*ТИҚҲММИ МТУ Бухоро табиий ресурсларни бошқарши институти  
магистранти.*

Мамлакатимизда жорий этилган ва бугунги кунда ҳам амалда қўлланилаётган ер мониторинги 1998 йилда қабул килинган “Ер кодекси” ва “Ер кадастри” тўғрисидаги қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабрь 469-сонли “Ўзбекистон Республикасида ер мониторинги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган «Ер мониторинги тўғрисидаги Низом» га асосан юритилади. Ер мониторингини юритишнинг мақсади, моҳияти ва вазифаларига кўра бир қанча асосий йўналишларда олиб борилади (1-расм).



**1-расм. Ер мониторингини юритишнинг асосий йўналишлари.**

Илмий-услубий йўналишда ер фонди таркибида микдор ва сифат ўзгаришларини қонуниятларини асослаш, умумуслубий ёндашувлар асосида мақбул ечимларни топиш усулларини яратиш. Бундай йўналишда амалга ошириладиган илмий услубий ёндашувлар аниқ ер участкаларида, тажриба майдонларида, этalon объектларда олиб борилган дала тадқиқот ишлари натижасига асосланиши зарур.

Бирламчи манбалар: ерларни иқтисодий, ижтимоий, экологик баҳолаш натижаларини аниқлаш бўйича услубларни такомиллаштириш, ерларни янгидан хариталаш, мавжуд хариталарга зарур ўзгаришларни киритиш, ерларни комплекс баҳолаш учун маълумотлар йиғиш услубий-амалий ва амалий йўналишларнинг вазифаси ҳисобланади.

Хукуқий, техник ва ахборот йўналишларда эса ерлардан фойдаланишининг хукуқий асосларга мослиги, ер эгалиги ёки ердан фойдаланувчи, хариталарга зарур ўзгаришлар киритиш ва уларни мунтазам назорат қилиш, яъни ерларни мавжуд ҳолати, экологик, этalon, прогноз, табиатни муҳофаза қилиш, тупроқ емирилиши, тупроқларни мелиоратив ҳолати, уларни ифлосланганлик даражаси, балл бонитети ва бошқа турдаги хариталарини тузиш, ердан самарали фойдаланишини бошқариш мақсадида назорат натижалари бўйича тегишли давлат органларига зарур ахборот

тизимини яратиш ва маълумотларни ўз вақтида етказиш, назорат натижаларига таянган ҳолда маҳаллий хукумат органларига, тегишли қўмита ва вазирликларга ер ресурслари ҳолатини яхшилаш бўйича таклифлар, мулоҳазалар, тавсиялар ҳамда тадбирлар ишлаб чиқиши ва тақдим этиши амалга оширилади.

Техник ахборот йўналишининг асосий мақсади бу автоматлашган ягона мониторинг бўйича база яратиш, дастурлар мажмуасини ишлаб чиқиши, Республика ер ресурслари тўғрисидаги маълумотларни қабул қилиш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш ҳамда сақлаш тизимини барпо этиши ҳисобланади.

Ер мониторинги Республика миқёсида кузатув ва назорат бўйича ягона тизимда ўтказилади ва қўйидаги вазифаларни бажаради:

- ер фонди таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш;
- ер турлари ҳолатини ва баҳосидаги тафовутларни аниқлаш;
- ер турлари бўйича содир бўлаётган салбий оқибатларнинг олдини олиш, огоҳлантириш бўйича тавсиялар ва башоратлаш ишларини бажариш;
- давлат ер кадастри ва ер тузиш муассасалари, ердан фойдаланишни назорат ва муҳофаза қилиш органларини зарур ахборотлар билан ўз вақтида таъминлаш.

Ер мониторинги давлат ахборот хизмати, давлат муассасалари ёки фуқаролар тасарруфидаги ер ресурслари тўғрисидаги тезкор маълумотлар олиш ва аниқланган салбий оқибатларни ўз вақтида бартараф этишда ёрдам беради. Ер ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишида ер кадастри ва ер тузиш хизмати идоралари ер мониторинги натижалари асосида олинган зарур манбаларга эга бўлади.


Худудий қамраб олинишига кўра ерларнинг бир нечта мониторинги юритилади (2-расм). Республика мониторинги бу Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудини қамраб олади. Маҳаллий мониторинг алоҳида ер участкалари ва манзара – экология комплексларни қамраб олади. Минтақавий эса республикадаги бир нечта минтақа бўйича олиб борилади.



**2-расм. Худудий қамраб олинишига кўра мониторинг турлари.**

Ер мониторингини катта ва мураккаб бўлган давлат миқёсидағи тадбирлар қаторини поғонали ва кўп босқичли аниқ тизимга асосланган тарзда ўтказиш зарур (3-расм).

Ер мониторингини ўтказишида қуйидаги тизимдан фойдалансак, албатта, самарали натижаларга эришамиз.



4-расм. Ер мониторингини ташкил қилиш бўйича иш турлари.

Ер мониторингини ташкил қилишда бир қанча ишлар бажарилади 4-расм).

Юқорида келтириб ўтилган ер мониторингини ташкил қилиш ва амалда жорий этиш масалалари барча ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилар учун тартиб-қоида ва ер мониторингини юритувчи давлат муассасаларини иш кўламини умумий тарзда белгилаб беради.

Ер мониторингини жорий этишда халқ хўжалиги тармоқлари бўйича ва тармоқ ичидағи ерга эгалик қилувчи ва ердан фойдаланувчи субъектлар тизимини ҳисобга олиш бу йўналишдаги тадбирларни ўтказишнинг яхлитлик тамоили асосида амалга оширишни талаб этади. Чунки халқ хўжалик тармоқларини бошқарув тамоиллари ягона давлат мулки бўлган ер ресурсларидан фойдаланишини бошқариш тамоилларига тўлиқ мосдир.

Шундай қилиб, давлат ер мониторинги хизмат тизими ҳам умумийликдан хусусийликка ва уни тескариси бўлган хусусийликдан умумийликка бўлган тамоилга асосланиши мақсадга мувофиқдир. Албатта, бу ўринда давлат ер кадастри ва давлат ер мониторинги хизматини маълум маънода уйғулаштирилган ҳолда ташкил этиш бевосита яхши самара беради. Бунда ер кадастри ва ер мониторинги натижаларини бевосита бирламчи манбаларининг уйғунлиги, назарий ва амалий масалалардаги умумийлик ҳам ҳар икки йўналишнинг ўзаро алоқадорлигидан далолат беради.

Ер эгалиги ёки ердан фойдаланувчи субъектларни ишлаб чиқариш фаолиятини бевосита бошқариб турувчи идора, қўмита ёки вазирлик қошида ер мониторинги хизматини мувофиқлаштирувчи мутахассислар гурухини ташкил этиш зарурияти туғилади.

Табиий обьектларнинг мониторингини олиб бориш учун уларни комплекс равишда йўқламадан ўтказиш лозим бўлади. Йўқламадан ўтказиш ёки инвентарлаштириш деб юритилади ва бу сўз лотин тилидан олинган бўлиб «*inventarium*» – рўйхатлаш деган маънони англатади. Комплекс йўқламадан ўтказиш деб маълум бир табиий обьектларни маълум бир ҳудудларда икки ва ундан ортиқ кўрсаткичлари бўйича ҳисобини олиш ва рўйхатлаш тушунилади. Ерларни комплекс инвентарлаштириш ер мониторингини олиб бориш учун асос вазифасини ўтайди.

Йўқламадан ўтказиш қўйидаги мақсадларда амалга оширилади:

- турли тоифадаги ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ерлари, далалари, участкалари, санитар-муҳофаза тегралари ва шунга ўхшаш қишлоқ хўжалиги ерларини сон жиҳатдан ҳисобга олиш ва уларнинг сифатини баҳолаш;
- хўжалик фаолияти натижасида юзага келган ер бузилиш даражаси, характеристи ва кўламини аниқлаш;
- фойдаланилаётган ерларда сув манбаларидан фойдаланиш кўлами, сифат даражаси ва характеристикини аниқлаш;
- ер фонди тоифалари бўйича майдонларни аниқлаш;

•техноген бузилган ерларни рекультивация қилиш (қайта маданийлаштириш)нинг иқтисодий-техник асосларини ишлаб чикиш.

Ерларни экологик ва заминий баҳолаш учун қуйидаги ер йўқламадан ўтказиш турларидан фойдаланилади: ер эгалари ва фойдаланувчилар ерларини йўқламадан ўтказиш, бузилган ерларни йўқламадан ўтказиш, сув манбалари миқдори, замонавий ҳолати ва улардан фойдаланишни йўқламадан ўтказиш, аҳоли пунктлари ерларини йўқламадан ўтказиш ва уларни тартибга солиб туриш.

Ерларни йўқламадан ўтказишга тайёрлаш, дала ва камерал (лаборатория) ишларни олиб бориш ягона методик асосда ва маҳсус комиссиялар томонидан ўтказилади. Маҳсус комиссиялар таркибига «Ўздаверлойиҳа» институти мутахассис ходимларидан – ташкилотга қарашли ер тузувчи, тупроқшунос, геоботаник ва гидрогеолог билан бир қаторда ердан фойдаланувчи ёки у томонидан вакил бўлувчи шахс ҳам кириши мумкин.

Ерларни йўқламадан ўтказиш давлат ер ҳисоби, унинг сифат таснифи ва корхоналарнинг ҳисботи асосида олиб борилади. Унда аэросуратлаш, топографик, тупроқ, геоботаник, изланиш, ҳисоблаш ва бошқа ер тузиш ишлари мустақил равишда олиб борилади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Adizov Shuhrat Bafoyevich. (2022, November 30). VOBKENT TUMANIDA AHOLI BANDLIGINI TA'MINLASHDA FERMER XO'JALIKLARI FAOLIYATI USTIVORLIGINI YARATISH. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7421261>
2. Shuhrat Bafoyevich, A. (2022). DEVELOPMENT OF WAYS TO INCREASE THE EFFICIENCY OF THE USE OF FARM LAND. INNOVATIVE DEVELOPMENTS AND RESEARCH IN EDUCATION, 1(11), 93–96. Retrieved from <http://interonconf.org/index.php/idre/article/view/280>
3. Shukhrat Bafoyevich Adizov. (2022). SOCIO-ECONOMIC ASPECTS OF LAND USE IN FARMING. INNOVATIVE DEVELOPMENTS AND RESEARCH IN EDUCATION, 1(8), 60-70.
4. Adizov Shuhrat Bafoyevich. (2022, July 16). FERMER XO'JALIGI YER MAYDONLARI O'LCHAMLARINI MAQBULLASHTIRISH USLUBIYATINI TAKOMILLASHTIRISH. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6845959>
5. Sh.B, A., & Yusupov , M. (2022). XO'JALIKLARO VA ICHKI XO'JALIK YER TUZISHNING HUQUQIY ASOSLARI. Новости образования: исследование в XXI веке, 1(3), 916–919. извлечено от <http://nauchniyimpuls.ru/index.php/noiv/article/view/765>
6. Bafoyevich, A. S. . (2022). LEGAL BASIS OF FARMERS ACTIVITY IN UZBEKISTAN AND ANALYSIS OF THE STAGE OF ITS DEVELOPMENT.

4 – SON / 2022 - YIL / 15 - DEKABR

&quot;ONLINE - CONFERENCES&Quot; PLATFORM, 112–114. Retrieved from <http://papers.online-conferences.com/index.php/titfl/article/view/775>

7. Sayidov, F. K., & Akhrorov, A. K. (2022, March). THE ROLE AND IMPORTANCE OF LAND MONITORING IN THE USE OF LAND RESOURCES. In Euro-Asia Conferences (pp. 102-104).

8. Adizov, S. B., & Khamidov, F. R. (2022). Directions to Increase the Economic Efficiency of using Farmer Lands in the District. EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY, 2(2), 108-111.

9. Адизов, Ш. Б. (2020). БУХОРО ВИЛОЯТИДА ТОМОРҚА ВА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ ЕРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ. ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ, 2(2).

10. Асатов, С. Р., Адизов, Ш. Б., & Нуриддинов, О. Х. (2020). Бухоро вилоятида тарқалган сугориладиган тупроқларининг мелиоратив ҳолати. Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси.–Хива, 1, 69-71.

11. KHAMIDOV, F. R., & ADIZOV, S. B. (2021). PROSPECTS FOR THE USE OF HOMESTEAD LANDS. In Поколение будущего: Взгляд молодых ученых-2021 (pp. 250-253).

12. Bafoevich, A. S., & Muxiddinjonovich, M. R. (2020). Analysis of crops grown for the efficient use of land dehkan farms and homestead lands of Bukhara region. Агропроцессинг,(SPECIAL).

13. Адизов, Ш. Б., & Музаров, Р. М. (2020). Бухоро вилояти дехкон хўжалиги ва аҳоли томорка ерларидан самарали фойдаланиш мақсадида экиладиган экинларнинг таҳлили. ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ, (SPECIAL ISSUE).

14. Adizov, S. B., Obidovich, A. B., & Maxmudov, M. M. (2021). The Tragedy of the Aral Sea-The Problem of the Century. Academic Journal of Digital Economics and Stability, 7, 10-13.

15. Asatov, A. R., Pirimov, J. J., Muhamadov, K. M., Bobojonov, S. O., & Axtamov, S. F. (2021). The Importance of Orthophotoplans in Cadastre Work.

16. Ahmadov, B. O., Pirimov, J. J., Amrilloyev, A. M., & Maxmudov, M. M. (2021, May). PROSPECTS OF DEVELOPMENT OF CLUSTER SYSTEM IN UZBEKISTAN. In " ONLINE-CONFERENCES" PLATFORM (pp. 33-35).

17. Pirimov, J., Yusupov, M., & Koziev, K. (2022). Update Maps Based on Remote Sensing Materials. International Journal of Formal Education, 1(9), 95-98.